

ОЧИЛОВ Жасур Жўракулович,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети мустақил тадқиқотчиси

КИЧИК БИЗНЕСНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН Қўллаб-қувватлаш йўналишлари

УДК: 334.722 (075)

ОЧИЛОВ Ж.Ж. КИЧИК БИЗНЕСНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН Қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Мақолада мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишлари, тармоқлар бўйича, капитал инвестициялар ҳажмидаги ҳамда иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сондаги улуши солиштирма таҳлил асосида ўрганилган. Таҳлил натижалари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: кичик бизнес, тадбиркорлик, хусусий мулк, хусусий тадбиркорлик.

ОЧИЛОВ Ж.Ж. НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ МАЛОГО БИЗНЕСА

В статье на основе сопоставления изучены поддержка малого бизнеса и частного предпринимательства в стране, их доля по отраслям, в объеме инвестиций в основной капитал, а также общей численности занятых в экономике. На основе анализа поддержки государством малого бизнеса и частного предпринимательства разработаны предложения по их поддержке.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, частное собственности, частного предпринимательство

OCHILOV J.J. DIRECTIONS OF STATE SUPPORT OF SMALL BUSINESS

In the article, on the basis of comparative analysis, support for small business and private entrepreneurship in the country, their share by industry, in the volume of investment in fixed assets, as well as the total number of people employed in the economy were studied. Based on the analysis of state support of small businesses and private entrepreneurship, proposals have been developed to support them.

Keywords: small business, entrepreneurship, private property, private entrepreneurship

Ўзбекистон мустақилликка эришиб ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида белгилаб олинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишда, унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ва бандликни таъминлашдаги улушини ошириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев "Бизнинг муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустақамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат....Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатиغا, Президент сиёсатиغا тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади"¹ деб таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон ва ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, кичик бизнес фаолияти самарадорлигини ошириш, кичик бизнес учун қулай ишчан муҳитни яратиш, тартибга солишнинг пул-кредит механизмларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

¹ <http://senat.uz/uz/news/2017/28-06.html> 2017 йил 28 июнь кунини Сенатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган "Тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини янада либераллаштиришда тадбиркорлар билан мулоқотнинг аҳамияти ва бу борадаги долзарб масалалар" мавзусида йиғилиши. 10.10.2017 йил муҳожаат қилинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ривожланган мамлакатлар олимларидан Р.Хизрич, М.Питерс², Ф.Хайек, М.Г.Лапуста³, К.Р.Макконнелл, Ф.Ф.Хамидуллин⁴, М.М.Хаит⁵ ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган.

Ўзбекистонлик олимлардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумий жиҳатлари ҳамда иқтисодиёт тармоқларидаги самарадорлигини ошириш йўллари ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаевлар, Ҳ.П.Абулқосимов, Қ.Муфтайдинов, У.В.Гафуров ва бошқа олимларнинг илмий ишларида баён этилган.

Иқтисодчи олимлар А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар «Тадбиркорлик фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олиш омилidir»⁶, деб таъкидлаб, тадбиркорлик шунчалик бир фаолият эмас, балки даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолият бўлиб, агар у фаоллашмаса иқтисодий ўсиш рўй бермаслигини асослайдилар ва улар айнан тадбиркорликнинг сифат жиҳатига эътиборни қаратадилар. Ҳ.Абулқосимов эса тадбиркорликни «Қонун йўли билан ман қилинмаган...

² Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.;

³ Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. М.: Инфра-М, 1997. – С.87.;

⁴ Хамидуллин Ф.Ф. Развитие методологии исследования малого бизнеса // Проблемы современной экономики, №3(19), 2007.;

⁵ Хаит М.М. Развитие малого бизнеса на основе реструктуризации крупных предприятий // Вестник Московского университета, сер. 6. Экономика, №4, 2006. – С.32-43.

⁶ Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... иқт. фан. д-ри. - Тошкент, 2004. -Б. 18.

иқтисодий унумли фаолият тури»¹, деб таърифлайди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари моҳиятини очишда Қ.Муфтайдинов “Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида иқтисодий маховик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ва истеъмол талабларини эътиборга олган ҳолда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди”², деб таъриф берган.

Иқтисодчи У.В.Гафуров “Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва воситалари кичик бизнес соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра ўзгариб, унга мос тушувчи воситалар қўлланиб бориши лозим”³, деган фикрни илгари сурган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сон “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар

томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ва бизнеснинг қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

“Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” деб аталадиган мезон бўйича Ўзбекистон айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. “Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.⁴

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини янада либераллаштириш ҳамда тадбиркорлар билан мулоқот қилиш масалалари юзасидан бир қатор муаммолар мавжуд. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида “2000-2016 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 31,0 фоиздан 56,9

¹ Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дис.авт.реф. иқт. фан. д-ри. - Тошкент, 2017. - Б. 30.

² Каримов И.А. 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган “Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. Халқ сузи. 15.01.2016

³ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1428-ozbekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi>

⁴ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1428-ozbekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi>. 10.10.2017 йил мурожаат қилинган.

1-жадвал. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тармоқлардаги улуши динамикаси^п

| Кўрсаткичлар номи | 2000 йил | 2005 йил | 2010 йил | 2015 йил | 2016 йил | Ўзгариши |
|---|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Саноатдаги улуши | 12,9 | 10 | 26,6 | 40,6 | 45,3 | 32,4 |
| Қишлоқ хўжалигидаги улуши | 73,6 | 85,7 | 95,2 | 98,1 | 98,2 | 24,6 |
| Қурилишдаги улуши | 38,4 | 50,9 | 52,5 | 66,7 | 67,8 | 29,4 |
| Чакана савдодаги улуши | 74,1 | 88,2 | 85,1 | 87,1 | 89,6 | 15,5 |
| Экспортдаги улуши | 10,2 | 6 | 13,7 | 27 | 26,5 | 16,3 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмидаги улуши | 15,4 | 24 | 28,5 | 35,8 | 39,1 | 23,7 |
| Товар ва хизматлар импортидаги ҳажмидаги улуши | | 42,4 | 45,4 | 44,5 | 46,7 | 4,3 |

фоизга ўсиб, 25,9 фоиз бирликка ортган¹. Ушбу кўрсаткични ривожланган мамлакатлар билан таққослайдиган бўлсак, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши, Францияда 62 фоизни, Италияда - 60 фоизни, Японияда - 55 фоизни, Германияда - 54 фоизни, Буюк Британияда - 53 фоизни, АҚШда - 52 фоизни, Қозоғистонда - 25,6 фоизни, Россияда - 20,0 фоизни ташкил этади.

Кичик бизнес соҳасига тааллуқлилигининг мезонлари ҳар бир мамлакатда турличадир. Масалан, АҚШда ходимлар сони 100 кишигача ҳамда йиллик айланмаси ҳажми 3 дан 12 миллион АҚШ долларигача бўлган субъектлар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Ходимлар сони 100 дан 500 кишигача бўлган субъектлар эса ўрта бизнес субъектлари деб юритилади². Шунингдек, Россияда кичик бизнес субъектларига ходимлар сони 100 кишигача ҳамда йиллик тушум ҳажми 400,0 миллион рублгача бўлган субъектлар тааллуқли бўлади^п.

Келтирилган 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2000-2016 йилларда саноатдаги улуши 32,4 фоиз бирликка, қишлоқ хўжалигидаги улуши 24,6 фоиз бирликка, қурилишдаги улуши 29,4 фоиз бирликка, чакана савдодаги улуши 15,5 фоиз бирликка, экспортдаги улуши 16,3 фоиз бирликка, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмидаги улуши 23,7 фоиз бирликка

ҳамда 2013-2016 йилларда товар ва хизматлар импортидаги ҳажмидаги улуши 4,3 фоиз бирликка ортанлигини кўришимиз мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни экспортга чиқаришда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. 2017 йил 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 2 минг 162 тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини экспорт қилишда ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилган. Бунинг натижасида 395 тадбиркорлик субъекти томонидан 1 миллиард 93 миллион долларлик экспорт амалга оширилган³.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг иқтисодийда банд бўлганлар умумий сонидagi улуши 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 64,8 фоизни, 2010 йилда 74,3 фоизни, 2016 йилда эса 78,2 фоизни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 28,4 фоиз бирликка ошган⁴.

³ <http://uza.uz/oz/business/kichik-biznes-va-khususiy-tadbirkorlik-subektlari-eksportini-06-10-2017>. 10.10.2017 йил мурожаат қилинган.

⁴ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1428-oz-bekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi> 11.10.2017 йил мурожаат қилинган.

¹ Ўша манба.

² Манба: <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1428-oz-bekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi>

2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг иқтисодийда банд бўлганлар умумий сонига улуши 78,2 фоизни ташкил этган. Шундан 61,9 фоизини яқка тартибдаги тадбиркорликда банд бўлганлар ташкил этса, 16,3 фоизини кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар ташкил этди¹.

Кичик бизнеснинг иқтисодийда банд бўлганлар сонигаги улушини ривожланган мамлакатлар билан солиштирадиган бўлсак, ушбу кўрсаткич Японияда 78,0 фоизни, Италияда 71,0 фоизни, Германияда 69,5 фоизни, Буюк Британияда 56,0 фоизни, АҚШда 54,0 фоизни, Россияда 25,6 фоизни ташкил этади².

Республикамизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ушбу ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар 2016 йил давомида 31 766 та янги кичик тадбиркорлик субъектларини (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ташкил этиш имконини берди. Натижада 2017 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 218170 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 066 тага кўпайди.

2016 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан иқтисодийга 19963,2 миллиард сўмлик инвестициялар киритилди. Бу республика бўйича жами киритилган инвестициялар ҳажмининг 40,3 фоизини ташкил этади. Шунингдек, улар томонидан 20677,7 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилиш ишлари ҳажмининг 70,7 фоизи) ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,6 фоизга ўсди³.

Ривожланган мамлакатларда давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

ликни қўллаб қувватлаш мақсадида АҚШда 1953 йил кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият ташкил қилинган. Ушбу ташкилотда 4 минг ходим хизмат қилади. Бу ташкилот фаолиятининг асосий йўналиши шахсий ишни очиш ва олиб боришда ёрдам беришдан иборат. Кўп сонли жамоатчилик ташкилотлари – савдо палатаси, саноатчиларнинг миллий ассоциацияси, савдо, қишлоқ хўжаликдаги турли ассоциациялар, клублар, гуруҳлар ва ҳоказо кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга ёрдам кўрсатадилар. АҚШда кичик корхоналар солиқ имтиёзлардан фойдаланмайдилар, аммо субсидиялар, дотациялар, молиявий кафолатлар билан қўллаб-қувватланадилар.

Японияда кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашда кичик ва ўрта бизнес бўйича бошқарма, кичик ва ўрта корхоналар (КЎК)ни ривожлантириш бўйича давлат корпорацияси, молиялаштириш бўйича миллий корпорация, КЎК ассоциацияларининг бутун Япон федерацияси, КЎК бутун Япон маркази ва бошқалар фаолият юритадилар.

Голландияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун кўпгина ташкилотлар мавжуд. Булар:

- Кичик бизнес Голланд Кенгаши;
- Кичик бизнес масалалари бўйича тадқиқотлар ва консалтинг институти;
- Кичик бизнес учун сиёсатнинг қироллик федерацияси;
- Савдо палатаси.

Тадбиркорлар ўз фаолиятлари учун жавобгарликни тўлиқ ўз зиммаларига оладилар, ҳукумат эса ёрдамчи ролни ўйнайди. Аммо, шунга қарамасдан, давлат катта ёрдам кўрсатади.

Маҳаллий ҳокимиятлар корхоналарни тузиш, бизнес-марказларни ташкил қилиш, тадбиркорлик фаолиятига лицензия бериш масалалари бўйича махсус хизматларни бажарадилар.

Фикримизча, кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўлами ҳар бир мамлакат иқтисодий-ижтимоий ва сиё-

¹ Ўша манба.

² Ўша манба.

³ <http://www.standart.uz/cyrl/news/view?id=364>

сий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги йўналишларини тавсия этамиз:

- кичик бизнес субъектларига давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида қараб, имтиёзларнинг ҳар бир тури мазмун-моҳиятидан келиб чиққан

ҳолда, уларни ўзаро узвий боғлиқликда ва кетма-кетликда амалга ошириш лозим;

- ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, кичик бизнес масалалари бўйича тадқиқотлар ва консалтинг институти ташкил этиш бўйича ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш лозим;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молия манбаларидан фойдаланишнинг муқобил услубларини яратишда кўмаклашишни давом эттириш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган "Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир". Халқ сузи. 15.01.2016 й.
2. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.;
3. Лапуста М.Г, Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. М.: Инфра-М, 1997. – С.87.;
4. Хамидуллин Ф.Ф. Развитие методологии исследования малого бизнеса // Проблемы современной экономики, №3(19), 2007.;
5. Хаит М.М. Развитие малого бизнеса на основе реструктуризации крупных предприятий // Вестник Московского университета, сер. 6. Экономика, №4, 2006. – С.32-43.
6. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Тошкент.: Меҳнат, 1995. –Б. 192.
7. Абулқосимов П., Қулматов А. Тадбиркорлик сермашаққат фаолият.//Иқтисод ва ҳисобот. –1997. № 9. –Б.9.
8. Муфтайтинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... иқт. фан. д-ри. - Тошкент, 2004. -Б. 18.
9. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дис.авт.реф.. иқт. фан. д-ри. - Тошкент, 2017. -Б. 30.
10. <http://senat.uz/uz/news/2017/28-06.html>
11. <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1428-o-zbekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi>
12. <http://uza.uz/oz/business/kichik-biznes-va-khususiy-tadbirkorlik-subektlari-eksportini-06-10-2017>
13. <http://www.standart.uz/cyrl/news/view?id=364>